

✓ Референдум

НАТИЖАЛАР 10 КУНДА МАЪЛУМ БЎЛАДИ

Якшанбада юртдошларимиз тарихий куннинг шохиди бўлди. Республикада ўтказилган референдумда икки масала: Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколатини 5 йилдан 7 йилга узайтириш ва мамлакат парламентини икки палатали қилиш масаласи яширин овоз бериш йўли орқали белгилаб олинди.

Референдум тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ қанча одам овоз беришда иштирок этгани ва унинг натижалари хусусида 10 кун ичида аниқ маълумот берилса-да, Марказий сайлов комиссияси Миллий матбуот марказида хорижлик кузатувчилар, дипломатик корпус вакиллари, чет эллик ва маҳаллий журналистлар иштирокидаги матбуот конференциясида дастлабки маълумотлар билан қисқача таништирди. МСК вакиллари таъкидлашча, референдум тўла қонуний, демократик талабларга мос тарзда ўтган. 32 давлатдан ташриф буюрган 127 кузатувчи референдумнинг боришини кузатиб, унга нисбатан ўзларининг ижобий фикрларини билдирганлар. Референдумда иштирок этиши керак бўлган 13 миллион кишидан 12 миллиондан ошиқ (91,58%) фуқаро қабул қилинган қарорларга ўз муносабатларини билдирдилар. Овоз берганларнинг 7 фоизи биринчи масалага, 9 фоизи иккинчи масалага нисбатан қарши овоз берган.

Натижалар 10 кун ичида маълум бўлади ва матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб, референдумда қабул қилинган қарорлар кучга киради.

Бахриддин МИНГБОВ

✓ Шукрона

ДАДИЛ ҚАДАМ

Илгарилари биз референдум сўзининг маъносини билардик, энди унинг моҳиятидан ҳам баҳраманд бўлдик, шоирона тилда айтсак, неъматидан татиб кўришга муяссар бўлдик.

Башарти кимдир сизнинг фикрингизни билишни истаса, сизнинг фикрингиз билан иш тутмоқчи бўлса, шубҳасиз хурсанд бўласиз, ўзингизни қадр-қимматли, росмана инсон ҳис этасиз. Агар ҳукумат фикрингизни билишни ихтиёр этса, сиз билан маслаҳатлашиб, шунга кўра қарорлар қабул қилишни режалаштирса, қалбингиз чексиз гурур ва ифтихорга тўлади, демак мен фақир ва ҳақир бир зарра эмас, балки мустақил юртимнинг тўла ҳуқуқли, ўз фикри ва нуқтаи назарига эга фуқаро эканман, деб гайратингизга гайрат кўшилади, эл фаровонлиги йўлида янада кўпроқ фаоллик ва фидойилик кўрсатиб ишлайсиз.

Мана шундай фароғат-

ли дамларни халқимиз куни кеча бошидан кечирди. Референдумда қатнашган ҳамюртларимизнинг фаоллиги ҳам шундан, чунки референдум барчамизга кўрсатилган ҳурмат ва ишонч белгисидир.

Маълумки, умумхалқ референдуми Президентимизнинг Олий Мажлис сессиясига киритган таклифига биноан ўтказилди. Уни ўтказишдан қандай мақсад кўзланганини Президентимиз телевидение орқали айтиб, тушунтириб берди. Юртбошимиз шаҳсан ташаббус кўрсатиб ўзининг баъзи ваколатларини юқори палатага топшироқчи эканини маълум қилди. Бу катта жасорат! Бундай жасоратга ўта зукко, оқил, адолатпарвар сиёсатчигина қодир бўлиши мумкин.

Бу нафақат катта жасорат, балки мустақил диёримизнинг демократия томон кўйган яна бир дадил ва собит қадами-дир.

Фарҳод МУСАЖОН



— Эгиз қанотим, алла!..

С.МАХКАМОВ ФТОС

✓ Жамғармада

УЧРАШУВ, ТАНИШУВ ВА БИТИШУВ

Туркия Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси матбуот атташеси Режеп Карагозулу билан танишган дақиқаларимиздан самимий суҳбат қилиб кетди. Бунинг боиси кейин маълум бўлди — меҳмонимиз бўлмиш афандим асли журналист экан! Ҳамкасбларнинг тил топишишдан эса осон нарса йўқ. Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасига ташриф буюрган туркиялик ҳамкасбимиз Анкара университети журналистика факультетини битирганини, шундан буён нуфузли давлат идораларида хизмат қилганини сўзлаб берди.

— Шундай даврлар бўлардики, — деб эслайди Р.Карагозулу, — кунига қирқ-элликта лаб журналистни қабул қилишга, уларни ахборот билан таъминлашга тўғри келарди. Баъзан ахборот танқислиги юз берса, айрим журналистлар ўзларича янгилик тўқиб ўз нашрлари ёхуд каналлари орқали тарқатиб юборар эдилар. Ваҳоланки, мана шундай муаммолар журналист одобига дахлдор. Назаримда, матбуот демократияси ҳақида қанча гапирмайлик, унинг муаммоларини бўрттирмайлик, ҳамкасбларимизнинг фаолияти касб одобига келиб тақалади...

Режепбей афандим, шунингдек,

журналист асосан ахборот қандай бўлса, уни шундайига бўямай-бежамай оммага етказиши зарурлиги, янгиликни шарҳлашни эса мутахассислар ва омманинг ўз ихтиёрига қолдириш муҳимлигига ҳам алоҳида урғу берди.

Хуллас, суҳбат анча қизиди. Меҳмон жамғарма фаолияти, унинг вилоят бўлимлари, мамлакатимизда журналистларнинг бошини қовуштириш, уларнинг ҳақ-хуқуқини муҳофазалаш тизимлари билан қизикди, оммавий ахборот воситалари билан боғлиқ қонунлар мавжудлигини ҳурмат билан эътироф этди.

— Жамғарма томонидан ташкил этилган турли ижодий танловлар ижодкор журналистларни ҳам маънавий, ҳам моддий қўллаб-қувватлаш борасида жуда кўл келар экан, — деди матбуот атташе Р.Карагозулу, — кечагина "Хуррият" газетасида эълон қилинган "Атиргул" танлови ўтказилишида биз ҳам иштирок этсак деган ниятимиз туғилди.

— Бажонидил, — деди жамғарма ҳамраиси Х.Дўстмуҳаммад, — биз эзгу ниятлар йўлидаги ҳар қандай ҳамкорликка ҳамisha тайёрмиз.

МУХБИРИМИЗ

УШБУ СОНДА:

Ақча ва ақл

2

УЧ газета мақола муносабат

3

Янги фильм олинапти

4-5

Кашандалар тан олди

6

Одамлар нега кўрқади?

7

«Заковат» мухлисларига!

8

ҲИКМАТ
Кўнглида чироги бўлмаган одам билан гаплашма.

Турғунбой МИРЗАЕВ,
Қўқон, Узумзор маҳалласи

✓ Анжуман

САМАРҚАНДА СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Самарқанд давлат университетида Республика "Устоз" жамғармаси ва Самарқанд Ресурс маркази ҳамкорлигида "Замонавий педагог ва инфор- мацион технологияларнинг ўқитиш самардорлигини оширишдаги аҳамияти" мавзусидаги семинар-тренинг ўтказилди.

Семинар-тренингда жамғарманинг вилоят бўли-

ми ижрочи директори, профессор А.Солиев "Устоз"нинг Самарқанд вилояти бўлими фаолияти ва истиқболлари ҳақида гапириб, 1998-2000 йиллар давомида вилоят ўқув юртидан 57 киши жамғарма гранти совриндори бўлганлиги ва ривожланган хорижий мамлакатларнинг ўқув марказларида ўз малакасини ошириб келганлигини таъ-

кидлади. "Вилоят ўрта-маҳсус ва касб-хунар таълими тизимида илғор педагогик ва инфор- мацион технологияларнинг қўлланилиши ҳақида" гранти совриндори Мухитдин Болиев касб-хунар таълими тизимида янги педагогик ва инфор- мацион технологиялар марказлари ташкил қилинганлиги, бир қанча коллеж-

ларда электрон кутубхоналар йўлга қўйилганлигини таъкидлаб ўтди.

Семинар-тренинг сўнггида профессор Н.Камолов жамғарма фаолияти қайтадан ташкил қилинаётганлиги ва ўтказилган семинар-тренинглар, анжуманлар ҳақида ахборот берди.

Убайдулла ХУЖАНИЕЗОВ

ЎЎҒ-Э!
Ишончли одам билан ишончсиз одамнинг ораси бир қадам

Хам

Ўй

ҲИММАТ КЎРСАТА ОЛАСИЗМИ?

“Ўшан йилнинг 9 июлида электр симларининг қисқа тўқнашуви натижасида ўт тўқиб, хонадонимиз буткул ёниб кетди, — деб ёзади Шохкент шаҳар Собир Раҳимов тургани Яни Шохкент маҳалласи, генерал Фахруров кўчаси 62-а уйда яшовчи Ҳасмон Муқимжонов. — Рўзроф буронларимиз, кийим-кечаклар, хат-хўржажатлар қурғи айланди. Аёлим касал, ҳозир акасиникида, тўрт фарзандим билан амалтақал қилиб турибмиз. Икки хоналиккина уй қуриб олиш ушун эса маълум йўқ. Шунга ҳалис қўмак берувчилар борми? Улар беминнат ёрдам кўрсата оладиларми?”

Хатининг мазмунини шу Ҳасмон ака ҳатто банкдаги ҳисоб рақамларини ҳам келтиришлар (14- Мировод халқ банки филиали № 0287; ҳ.р.: 29801000900000820005; шахсий рақам: 27661.МФО. 00820). Албатта, халқимизда бошқа мусибат тушган одам қаровсиз қолдирилмайди. Аввало, суруфта идораларни ёрдам қилиши ёздади, ундан каммиа қариндош-уруғи бор, маҳалла-кўй, ошна-оғайнилар дегандек!.. Худди шундай ҳодиса юз берганда ушун ёниб тушган хонадон аъзоларни маҳалласида, қариндош-уруғлари орасида талаш бўлиб кетган, “Қиш ўттирига бизникида беғалал яшайверинлар” деб ҳамхўрлик кўрсатиш ҳоллари ҳам кўп уйраган. Ҳасмон ака хонадонига келсак, ошми, бизнинг матбуотларда бундай илтимосларни эглон этиш расм қилинмаган. Бороню, эглон этилса, мана, марҳамат, эл-юртбиллик, ҳиммати баланд фуқаролар, юртдошлар ҳам кўп, улар орасида ҳиммат қилиши ёзмадан дейдиганлар топилмиш муқаррар.

Қандай бўлишидан қатъи назар, биз бир нарсага аминмизки, Ҳасмон Муқимжонов олмаси, хонадонини боштанасиз қолмайди.

“АҚЧАГА АҚЛ ТОШИЛАДИ...МИ?”

Пул аввал ҳам ҳозирги кунда ҳам одамлар кайфиятини ўзгартирадиган, ҳаёт ҳақидаги тушунчаларни шубҳа-гумонларга чулғаб ташлайдиган, қийинчилик ва ташвишларга кўмиб ташлайдиган бир воситага айланиб қолган.

Пул топиш (бунинг учун ўта ақлли бўлиш шарт эмас) ҳаммамизнинг олий мақсадимизга айланган. У бизнинг қувончимизни ўғирлаган. Эрталаб уйдан чиқар эканмиз, бир сўмни қандай бўлмасин икки сўмга айлантириш ҳақида ўйлаймиз. Шунданми, хотиржамлигимиз йўқолган. Ҳамма жиззаки, жаҳлдор. Эрталаб умум транспортга тушганингизда бир-бирингизга разм солиб қаранг. Ёки ишга келганингизда ҳамкасбларингиз салом-алиқдан кейин “бугун маошни беришмаяптимики?” деган савол бўлади. Хўш, маошни олганингиз билан нима фойда? У уйга етиб келар-келмас тугайди. Ҳали газга тўла, ҳали электр токига, ҳали сувга, ҳали солиқ...

Тўғри, бахт дегани фақат пулда эмас. Ушбу оддий ҳақиқатни ҳозирги ёшларга (катталарга ҳам) исботлаб, ҳеч бўлмаса тушунириб кўринг-чи? Зеро, Абу Ҳомид Ҳаззолийнинг “Аййухал валад” асаридида “...кўп инсонларни кўрдим, мол-дунё учун елиб-югуришади, тўплаган молларини маҳкам ушлаб,

хайрли ва савоб ишларга сарфлашмайди. Буни кўриб Аллоҳ таолонинг сўзини эсладим: “Сизларда бўлган молу бойликлар тугайди. Аллоҳ хузуридидаги бойликлар туганмас”. Бу дунёда нимаики бойлик ортирган бўлсам, Аллоҳнинг розилиги учун барчасини сарф этдим ва унинг хузуридида менга заҳира бўлсин деб камбағалларга тарқатдим”, — дейилган. Лекин менинг замондошим бунинг тушуниш ҳолатида эмас. Унга одоб-ахлоқ, маънавият ҳақида соатлаб маъруза ўқиганингиз билан (бизнинг матбуотимиз, ОАВнинг барча турлари айнан шундай қилмоқда) сизни тингламайди. Қуруқ гап кимга ҳам ёқарди?.. Чунки у ҳозир ўзининг ақлсизлиги билан худди пишиб етилган мева мисол охириги нуқтасига етган. Наҳотки пул ҳукмронлигидан кутулиб бўлмасми? Наҳотки пул бутун борлигимизни, орзу-хаёлларимизни, идеализмизни ўғирлаган бўлса? Наҳотки оддий шу пул учун қолган барча нарсани унутсак? “Ақл билан пул топиш мумкин, лекин пул билан ақл топиш мумкин эмас” деб ёзилган экан “Қобуснома”да. Лекин мен бунга ҳам ишонмай қўйдим. Ҳозирги кунда хоҳлаган олий ўқув юртига шартнома асосида пул тўлаб ўқишга ўтишингиз мумкин. Хуллас, онанг бозор, отанг бозор.

Пул бу кўлнинг кири, келадикетади, деймиз. Ҳеч ўйла-

масдан кўчадаги гадоиларга бир-икки сўмни бериб кетаверамиз, лекин чайқовчи, қассоб, олди-сотди билан шуғулланаётганларнинг миниб юрган хорижий маркали машиналарига ҳавас ва ҳаёс билан қараб қоламиз, чунки улар бизга насиб этмаслигини яхши биламиз. “Менинг отамнинг “Мерседес” машинасини олиш хоҳиши бор эди, лекин имкони йўқ эди, эчки сотиб олиш имкони бор эди, лекин хоҳиши йўқ эди”. Шунинг учун ўлиб-тирилиб пул тўплашдан на фойда, ундан кўра фойдаси кам бўлса-да, бирон-бир энг охириги модадаги машина сотиб ол, ўзингни бошқалардан кам сезмайсан: хоҳладим — сотиб олдим!

Қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрида яшаш нақадар завқли. Чунки у минг йиллардан бери турибди ва бундан кейин ҳам туради. Бир вақтлар (60-йиллар) Америкада ким бойишни хоҳламаётган бўлса ўшалар камбағалдир, деганидек бизда ҳам ким камбағал бўлса ўшалар бойишни хоҳламаган кишилардир. Бунинг учун у фақат чайқовчилик билан шуғулланса бўлди. Менинг бир дўстим ажойиб ташбехли бир гап айтди: “Агар бизда кимдир чайқовчилик билан шуғулланмаётган бўлса, у ё аҳмоқ ё ақлдан озган кишилардан бири”.


Ҳаёт бу ҳақиқатдан ҳам

кундалик курашга айланган. Лекин курашдан четга чиқиб туриш мумкин. Ўзингни четга оласан — тамом-вассалом. Қўлларинг ўз-ўзидан пастга тушиб кетади, курашганинг билан барибир фойдаси йўқ. Инсон асаблар қурбони бўлмоқда, ҳеч нарса ҳақида ўйлашни хоҳламайди. Яна Абу Ҳомид Ҳаззолийнинг гаплари эсга тушади: “Баъзи бир кишиларни кўрдим, егулик, тирикчилик ваҳидан, бойлик тўплаш илинжида жидду жаҳд ила елиб-югуриб, ўзларини ўтга-чўққа уриб, қийнаб юришибди: тирикчилик қиламан, деб ҳаром-шубҳалардан ҳам парҳез қилмасдан, қадрини пастга уриб, ўзини хор этиб... Шунда Аллоҳ таоло сўзини хотирладим. “Ер юзидаги барча махлуқларнинг ризқини берувчи ёлғиз Аллоҳ таолодир”. Бас, иқрор бўлдимки, ризқим Аллоҳнинг инонихтиёрида экан ва унинг ибодати ила машғул бўлдим. Бошқа тарафлардан умидимни уздим”.

Замондошимнинг ёдига ризқи Аллоҳнинг қўлида эканлиги фақат кечаси тушади. Эрталаб яна у хотиржам ва ҳаммаси яна бошқатдан бошланади: Қадамни қаттиқроқ бос, ўзингни ўтга-чўққа ур. “Зора, тақдир бошингизни силаб, саодатга элтар”.

Ақбар НУРМАТОВ

А.ҲАКИМОВ чизган



Навр

ИЗЛАНИШ ВА МАҲОРАТ МАҲСУМИ

“Ўзбекистон матбуоти” журналининг навбатдаги сони билан танишар эканмиз, ундаги турфа мақолалар, ранг-баранг саҳифалар диққатимизни тортди. Аслиддин Болиев “Маънавият — миллат келажаги” мақоласида Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг ҳозирги фаолияти ҳақида сўз юритади.

Самарқанд вилоятида Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги Қонунига қандай риоя этилаётганлигини атрафлича ўрганиш мақсадида Матбуот ва ахборот қўмитаси депутатлар ишчи гуруҳининг мазкур вилоятга сафари натижалари ҳақидаги Олимжон Назаровнинг “Қонун ижроси билан кучли” деб номланган таҳлилий мақоласи ҳам ўрин олган. “Ўзбекистон матбуоти” йўқламасида “Гулистон” журнали ижодкорлари билан яқиндан танишасиз.

“Нашриёт. Матбаачилик” рўкни остида берилган “Давр билан ҳамнафас” мақоласида лотин имлосидаги мактаб дарсликларини чоп этишга ихтисослашган Тошкент рангли босма фабрикаси жамоасининг бугунги ҳаёти ва фаолияти, сўнгги йилларда замонавий техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича олиб борилаётган ишлар хусусида сўз боради.

Журналнинг аънавий мавзусига айланган “Таҳлил, танқид, таклиф” рўкнида Абдували Абдусайидов “Таъсирчанлик — асосий мезон” номли мақоласида матбуотда таъсирчанликни таъминлашнинг хусусиятларини санаб ўтади. “Оммавий ахборот воситалари фаолиятида асосий мезон сўздан унумли, ўринли фойдаланган ҳолда таъсирчанликни таъминлашдан иборат бўлиши ва бунинг соҳа ходимлари, айниқса журналистлар ёддан чиқармасликлари лозим”, — дея таъкидлайди муаллиф.

Саргузашт ишқибозлари инглиз ёзувчиси Фредерик Форсайтнинг журналдан ўрин олган “Муқаррар имтиёз” ҳикоясини ўқишлари мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, тажрибали журналистларнинг изланиш ва маҳорати ҳисобига юзага келган журнал қизиқарли материалларга бой, мазмундорлиги билан ўқувчиларнинг эътиборидан четда қолмайди.



Азиза ҒИЁСОВА

Янгулик

FMда ЯНА БИР ТЎЛҚИН



Ўтган ҳафта Миллий матбуот марказида “Орият-Дано” хусусий радиостанцияси эшиттиришлари эфирга узатилганининг бир

йиллиги ҳамда янги “Орият FM” халқаро тўлқини очилишига бағишланган матбуот анжумани бўлди. Унда “ORIAT” телерадиокомпанияси бошқарувининг раиси Шухрат Йўлдошев “Орият-Дано”нинг қисқа муддат эришган ютуқлари хусусида сўзлар экан, ушбу радиостанция бундан буён оилавий радио сифатида фаолият юритишига алоҳида урғу берди. “Орият-Дано” оилавий тўлқин сифатида иш қуриши ва ўз мақсадларини тўла амалга ошириши, бу — ҳар хил тингловчилар гуруҳларини қамраб олишдир, чунки

ёшлар, талабалар, уй бекалари, кексалар, автоҳайдовчиларнинг, барчасини оила тушунчаси бирлаштиради. Шу сабабли “Орият-Дано” эфирда янграйдиган куй-кўшиқлар барча авлод вақиллари учун қизиқарли ва мароқли бўлишига эришишни ўзимизга мақсад қилиб қўйганмиз”, — дея таъкидлади у.

Эндиликда “Орият-Дано” радиосининг эфирдаги фаолияти икки йўналиш бўйича олиб борилади, яъни — оилавий радио (ORIAT DONO 106,5 FM) ва халқаро AC-SOFT (ORIAT FM 100,5) андозалари асосида иш қўрувчи тўлқинлар.

“Орият FM”нинг 100 ва 5 тўлқинидаги халқаро канали эшиттиришлари асосан юртимизда фаолият кўрсатаётган хорижликларга мўлжалланган. Унда рус ва инглиз тилларида, шунингдек бошқа чет тилларда ҳам хабарларни узатиш билан биргаликда турли жанрдаги

— тарбиявий, ижтимоий, маиший-муסיқий эшиттиришлар бериб борилади.

Ижодий жамоа (журналистлар, эшиттириш муаллифлари, эфир бошловчилари, продюссерлар, овоз режиссёрлари ва ҳоказолар) малакали мутахассислардан таркиб топган бўлиб, улар муқаддам махсус ўқув дастурларини ўзлаштирганлар ва бошқа турдош радиостанцияларда ҳам хизмат қилганлар.

Барча техник жараёнлар (эшиттиришлар тайёрлаш, эфирга муסיқа ва эшиттиришларни узатиш, репортажлар, сюжетлар, интервьюлар ва ҳоказолар) замонавий мукамал технологияларда амалга оширилади.

Матбуот анжуманида журналистлар “Орият-Дано” радиостанцияси етакчиларидан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Шаҳноза ҒОИПОВА

Таҳлил

Мамлакатимизда нашрлар сони йил сайин кўпайиб бораётгани демократиянинг шарофати сифатида кўп тилга олинади. Бу борада турфа мулоҳазалар ҳам йўқ эмас. Шуларнинг бири... нашрлар орасида ахён-ахёнда бўлса-да, зимдан англашил-мовчиликлар содир бўлаётгани, шу ҳақда бир қур сўз очишга ҳам тўғри келиб қоляпти.

Қашқадарёда "Адолат кучи" деган газета чиқади. Шу газетанинг 2001 йил 18 май сонидан Ойдин Анорованинг қаламига мансуб "Кўзбўямачилик кимга керак?" деб

ўқиб, "Ия, вилоятда бир пайтлар каттагина нуфузга эга раҳбар етакчилигидаги хўжаликдаги аҳвол шундай экан-да!" деган ҳаёлда тегишли раҳбарий ташкилотлар газета танқидига тегишли чора кўрар деган хулосага келасиз. Бироқ орадан 15-16 кун ўтмай "Ўзбекистон овози"да "Ким ҳақ ва ноҳақ?" мақоласи босилди. Унда ҳам тагсарлавҳа бор: "Бу энди – тақдир сўрови..." Буни нима деб тушуниш мумкин, англаш қийин. Ёхуд "Қорабайир" раҳбарларининг фаолиятида нуқсон ва иллатлар бор

хулосани ким чиқаради? Яна мақола ёзиладими?..

Шундай бўлди ҳам, яъни орадан бир ой ўтиб, матбуотдаги "Қорабайир" пайротида "Қашқадарё тадбир-кори" қўшилди. Газетанинг махсус мухбири Сардор Бек имзоси билан "Сувни лойқалатаётган ким?" мақоласи эълон этилди. Яна танқид, яна фош этилган рақамлар, камчиликлар ва ҳоказо.

Нима бўляпти, ўзи? Бир хўжаликдаги аҳволни аниқлаш шунчалик қийин эмасдир, ахир.

Бу ўринда гап фикр хилма-

Мумолаа

МАРГАРИН ВА САРИЁҒНИНГ ФАРҚИ

Вячеслав ПЬЕЦУХ,
таниқли рус адиби ва публицисти:

Ҳозирги кунларда одамлар деярли ўқимади қўйган. Ўқиса ҳам чала-чулпа газета ўқийди, холос. Ҳолбуки, айни газеталарни ўқимаса ҳам бўлади. Хўш, газета нима дегани? Ўқисанг қизик нарсага ўшайди-ю, лекин ҳақиқий адабиётга қиёсласанг, маргарин билан сариёғни ёхуд фигурали учиш билан балетни қиёслагандай бўласан. Бундай қарасанг, газетани ёзиш-чиқиш қўлидан келадиган, тегишли маълумоти бор, саводли, адабий тарзда фикрлашни удралайдигандай кўринган одамлар чиқаради. Қўйинг-чи, умуман, газетачилик ҳунар эмас, балки тақдир...

Хуллас калом, матбуот эркинлиги ғоятда нозик нарса, у газета-китоб махсулотларини истеъмол қилувчилар ва қалам заҳматқашларининг бошига нималар олиб келишини аввалдан айтиб бериб бўлмайди.

Эндилликда бошқача аҳвол, негаки энди мусиқани халқ буюрадиган бўлиб қолди.

Александр Сергеевич Пушкин бу масалада ҳам тўхталган эди. "Подшога қарамми, халққа қарамми — барибир эмасми аслида бизга?" деб ёзган эди у "Пиндемонтидан" деган шеърда. Менимча, ҳаммаси ҳам барибир эмас. Гарчи кимга қарам бўлиш чиндан-да барибир бўлиши ҳам мумкин, негаки подшо шу дақиқадаги давлат манфаатидан келиб чиқиб ёзувчиқа фармонбардорлик қилади, халқ эса ёзувчининг зўрроқ ёзишини, тушунарли нарсалар ҳақида ёзишини, авом тилида қалам тебратишини истаиди. Яъни, яна ўша Пушкиннинг ўзи айтган гапга қайтамиз — "Ҳеч кимга ҳисобот бермасам дейман, кўнглимнинг майлига бўйсунганим яхши" — бошқача айтганда ҳеч кимга қарам бўлмаслик керак.

Ҳамма гап шундаки, ёзувчи аслида ҳеч кимга қарам эмас. Тўғрироғи, у ҳақиқатан ҳам эркин эмас, бироқ уни ўзига қарам қилиб олган бирдан-бир гўзал хасталик истеъдод деб аталган нарсасидир. Истеъдоднинг эса табиати сирли бўлгани учун ёзувчи Олий Қудратга қарам деса ҳам бўлаверади. Бу қарамлик шу даражада мустаҳкам ва шу даражада мажбурийки, у ўзи истаган тақдирда ҳам, ҳарчанд ўзини ҳар томонга урмасин, бирон воқеа муносабати билан ҳамд-санолар ёхуд "даҳшатли ишлар" вазирининг шаънига мадҳия ёза олмайди. Шунинг учун ҳам бадиий истеъдод билан матбуот эркинлиги бири-бири билан кесишмайдиган чизиқлар сингари ҳар хил текисликларда яшайди.

Энг муҳими — улуғ маданиятнинг ҳаёт-мамоти "халқ"нинг, яъни мешчан ва овсарларнинг дидига боғлиқ бўлиб қолишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Россиянинг энг катта кулфати шундаки, бизда шеър ёзишни билмайдиган шоирларнинг уруғи кўпайиб кетган. Яъни, фақат шу маънода шоирларки, улар худди ёш Гоголь каби ўзларининг бошқача эканини ғира-шира ҳис қилади, зиммаларида алланечук залворли юк борлигини тусмоллайди, шуҳрат қозонишни жон-жаҳдлари билан истаиди, лекин шеър ёзишни билмайди — улар бу қобилиятдан маҳрум. Айни шунақа шоирлардан ҳар хил диний фидокорлар, турли-туман эътирозчилар, инқилобчилар, маърифатчилар, сайёҳлар етишади. Нокориллар ва ожизлар ҳисобидан давлат орттиришга устаси фаранг корчалонлар ҳам айни шулар ичидан чиқади.

Ўз-ўзича олганда, улар бориб турган даражада ёзувчиликнинг тажассуми, негаки, улар энг оғир етти айбнинг бири — мутақаббирлик билан иш юритади, уларнинг фаолияти негизда таъмағирлик ётади, у миллий бойлигимиз теваарагида виждонсизларча ҳар хил найранглар қилади ва меҳнатқаш одамнинг ҳалол меҳнат қилиб топган пулини ўғирлайди.

(«Тафаккур»дан олинди)

«ҚОРАБАЙИР» ПАЙРОВИДА КИМ ҲОЛДА?

номланган мақола босилди. "Журналист суриштируви" рукнида чоп этилган мақоланинг тагсарлавҳаси "Ёки Косон тумани "Қорабайир" хўжалигидаги талон-тарожликлар хусусида" дирки, шунинг ўзиданоқ мақоланинг руҳини, муаллифининг "ниятини" билдириш мумкин. Яъни, танқид! Танқид бўлганида ҳам "Қорабайир" хўжалигида аҳвол чатоқ; ижрага ер берилган 34 ижарачининг 16 нафари Намангандан келган (маҳаллий деҳқонлар ерсиз қоляпти дейилмоқчи), ижарачи Н.Сафаров билан 8 гектар ерда шולי етиштириш шартномаси тузилгани ҳолда бор-йўғи 2,6 гектар майдонда кўчат униб чиққан. Олинган 12 бункер ҳосил шартномада кўрсатилганидек хўжалик омборига эмас, Н.Сафаровнинг уйига олиб кетилган. Хўжалик раҳбари катта бир чорва комплексини салкам "текин"га укасига хусусийлаштириб берган. Бошқа бир мисол: хўжаликдаги бир неча ўн гектар майдонга сепилган бир неча юз минг сўмлик бир неча минг кило кузги дон уруғини... қарга-кузгун еб кетган.

Хуллас, хўжалик раҳбарияти томонидан йўл қўйилаётган ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар ва бунинг натижасида хўжаликнинг "киссаси" зарар кўраётганини ифодаловчи яна қатор мисоллар келтирилган. Ҳатто махсус аудит текшируви ҳам бу камчиликларни "аниқлай" олмагани айтилган.

Биз бу ўринда журналист суриштируви орқали мақолага ва газета саҳифасига кўчган рақам ва фактларни, даъволарни тасдиқлаш ё рад этиш ниятидан йироқмиз. Уни

ё йўқлигини аниқлаш тақдир "ихтиёри"га қолдириляптими?..

Мақола анчагина "бағрикенглик" билан ёзилган. Муаллиф (Юнус Узоқов) хўжалик аъзоларининг бир нечаси билан суҳбатлашгани, шикоятларда тилга олинган рақамларга ойдинлик киритишга ҳаракат қилгани кўриниб турибди. Энг қизиғи, "Адолат кучи"да келтирилган аксарият маълумотлар чиппака чиқарилади. Муаллиф хулоса ўрнида "Фақат бир андиша мени қийнайди. Қаерда иш ўнганса, тайёр баковуллар ҳозир бўлишади. Пана-панадан туриб, ўз кўмоғига кул тортувчилар "ҳай баракалла" деб туришади..." дея таъкидлайди. Бир сўз билан айтганда, "Қорабайир"да аҳвол яхши, таҳсинга сазовор ютуқларга эришиляпти, бордию айрим камчиликлар бўлса, хўжалик раҳбари Шониев Боборажабов (ўша пайтдаги) тили билан айтганда, "Иш бор жойда хато бор".

Биз бу ҳикматомуз гапни инкор этмаймиз, аммо-лекин газетхон манфаатидан келиб чиқилса, савол туғилади: ким ҳақ - "Адолат кучи"ми ёхуд "Ўзбекистон овози"ми?..

Тасаввур қилайлик, оқшом телевидение бутун Республикага доврўг солиб бирор шахс ёки бирор ташкилотни кўкларга кўтариб мақтаса, уни ўз кўзи билан кўрган миллионлаб томошабинда муайян ижобий тасаввур ҳосил қилинса-да, эртасига эрталаб бирорта газетада ўша шахс ёки ташкилот хусусида қип-қизил танқид чиқиб турса?.. Бугёги қанчадан тушади? Томошабин ва газетхон қайси манбага ишонади? Жилла курса, холис ҳукм-

хиллиги ҳақида бораётгани йўқ, ҳар бир мухбир ёки журналистнинг ўз нуқтаи назари бор, демак, ҳар ким ўзича ёзишга ҳақли деган оддий ҳақиқат ҳақида бораётгани ҳам йўқ, балки воқеликка қонун ва адолат нуқтаи назаридан ёндашиш хусусида бормоқда. Холислик ҳақида бормоқда. Журналистларга, қолаверса матбуотга бўлган ишонч, эътиқод ва ихлоснинг пасайиб кетишига ҳамкасбларимизнинг ўзлари сабабчи бўлиб қолаётгани ҳақида бормоқда сўз!

Агар юқориди тилга олинган уч мақола "Қорабайир"даги аҳволни яхшилашга ёрдам бермаса, ўша ерда барҳам топмаётган ўзаро келишмовчиликка барҳам бермаса, тарафқашликка чек қўйишга кўмаклашмаса, бу эзгу ниятлар қолиб мавжуд зиддиятни кучайтирган бўлса, яъни оловга мой сепган бўлса — бундай матбуот ўз вазифасини ўтаётган саналадими?!

Журналист жойларда юзага келган келишмовчиликни йўқотиш учун хизмат қиладими ёки уни кучайтиришгами?..

Нафақат бизни, балки барча ҳамкасбларимизни ўйлантирадиган муаммо ҳам шу. Бу, номи тилга олинган уч нашрнинг эмас, ҳаммамизнинг ташвишимиз, бурчимиз, вазифамиз. Бошқа нашрларга нисбатан ҳурмат-эътибор, касбдошнинг хизматини қадрлаш, қўллаб-қувватлаш эса энг оддий инсоний ва касб одоби алифбосидаги эслатмалар, холос.

Абдураҳмон ТАШАНОВ,
«Хуррият» мухбири

Хушхабар

АМРИТСАР САРИ ПАРВОЗ

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганига 10 йил тўлди. Айтиш мумкинки, дастлабки йилларда самолётлар



паркини янгилаш, бутун инфратузилмани модернизациялаш, янги йўналишларни очиш каби мураккаб вазифаларни ҳал этишга тўғри келди. Мамлакатимиз раҳбарияти мададида истиқлол фарзанди ривожланди ва эндилликда у жаҳондаги энг йирик авиакомпаниялар билан теппа-тенг

рақобатлашаётир. Ўзбек ҳаво флотининг энг замонавий кемаларини дунёнинг турли бурчакларида учратиш мумкин. Парвозлар Европа мамлакатларига, АҚШ ва Японияга, Жануби-Шарқий Осиё минтақаларига бажарилмоқда. Дарвоқе 1991 йилда Тошкентдан фақат Дехли

ва Кобулга парвоз этиш мумкин эди. Ҳозир эса Нью-Йорк, Париж, Афина, Рим, Осака каби йирик шаҳарларга қатновлар амалга ошириляпти.

Миллий авиакомпаниямиз юбилейи арафасида бир гуруҳ ўзбек журналистлари яқинда очилган халқаро йўналишлардан бири билан танишиш мақсадида Амритсар шаҳрида сафарда бўлишди. Дарвоқе, у ўзбек ҳаво кемалари кўнаётган Ҳиндистоннинг Дехлидан кейинги иккинчи шаҳридир. Қадимий ўлка пойтахтига қатнов 10 йил муқаддам очилганди. Парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, йўловчиларга жаҳон талаблари даражасида хизмат кўрсатиш ва ҳамкорлик

қилишувларига қатъий риоя этиш Ҳиндистон авиация маъмурларининг авиакомпаниямизга бўлган ҳурмат ва ишончини мустаҳкамлади. Шу боис Амритсар ва Три-вандрумга ҳам парвозларни бажариш учун рухсат берилди. Ўтган йил апрелидан бошлаб Панжоб штатининг маданият маркази бўлган Амритсар шаҳрига парвозлар бошланди. Таъкидлаш керакки янги йўналиш миллий авиакомпаниямизнинг Ҳиндистон авиаташув-

чилар бозорида олиб борган ишининг самараси бўлди. Бу биз учун янги имкониятларни очди.

Дарҳақиқат «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг Ҳиндистон авиаташувлар бозоридаги имкониятлари жуда катта. Авиачипталарини сотиш тизими яхши йўлга қўйилган,



мавжуд касса тармоқлари эса ишни енгиллаштирмоқда. Бунда «Узинд корпорейшн» компанияси билан ҳамкорлик қилмоқда.

— «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан ҳамкорлигимиз 1992 йилдан бошланган, — дейди компания директори Приянки Сингх хоним. — Ҳаво кемаларининг ҳафтада 3 марта Дехлига, 5 марта Амритсарга парвоз этаёпти. Айни чоғда Тошкент-Торонто йўналишининг очилиши бўйича Ҳиндистон бозорида реклама кампаниясини ташкил этганмиз. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан ҳамкорлигимиз мустаҳкамланишига ишончимиз комил.

Алишер РЎЗИЕВ

Қутлов

Тақдир илоҳий ҳодиса эканига шак келтирмаймиз, илло инсон ҳаёт йўлининг белгиланишида реал воқеа-ҳодисалар сабаб бўлиши муқаррар. Ёки ўша реал воқеа-ҳодисаларда тақдирнинг "қўли" бордир эҳтимол?..

Тошкентнинг Чорсу бозоридан Сағбон бўйлаб Қўштутга етасиз, ундан сал ўтсангиз ўнг томонда икки қаватли сарғиш бино кўринад. Мактаб! Мўъжазгина бу мактабдан озмунча йигит-қиз ҳаётга учирма бўлганми! У ерда дарс берган бири берида салохиятли, орбў-эйтиборли ўқитучиларнинг барино номма-ном санаб ўтиш қийин. Уқиганларни-чи!..

Юсуф Шомансур (мактаб ҳозир шу шоирнинг номи билан аталади), Ямин Қурбон, Абдували Абдуваҳобов... У кишини мактабда, маҳалла-кўйда Қахрамон деган исми ҳам бор эди, ўзи танлаган фан йўлида чинакам қахрамонлик кўрсатди — академик даражасига етди! Машхур "шум бола" ҳам шу мактаб "хужра"ларида таҳсил олган. Абдураим асли Абдували акага жиян, Абдували ака нақ ўн йил Солиҳ Ёқубов билан бир партада ўтирган! Иккови ҳам мактабни олтин медалга битирган! Қалай, қойилми?!

Солиҳ Ёқубов ким дейсизми? "Тошкент оқшом"ни ўқиган газетхон борки, бу саволни бермайд. Бу газетни битта қўймай ўқийдиганлар, уни кун-бакун сандигига жойлаб йиғадиганлар, ундаги мақолалар хикматларни қайчилаб қўлбола китоб ясайдиганлар Солиҳ Ёқубовни беш қўлдай билишади. Чунки Солиҳ ака "оқшом"чи бўлганига ҳам 35 йил тўлди! Ишонмасангиз, 1967 йил 6 январидан бу ёғини ҳисобланг. Агар Солиҳ Ёқубов ўша 11-мактабнинг орқа томонидаги Ёв маҳаллада яшамаганида, мактабда ўқиб юрган кезлари "Ленин учку-

ни"га хабар йўлламаганида, таҳририятдаги Зарофат Ганиева унинг хабарини газетада эълон этилишига ёрдам бермаганида, мактабни битиргач, 17 ёшида ЎзТАГда кўрмерлик қилмаганида, ҳарбийдан қайтгач, 67-йилнинг а ж о й и б қиш кунларининг бирида Саъдулла Кароматов уни таҳририятга ишга таклиф қилмаганида... Шу эмасми, тақдирнинг жинкучалари?..

Солиҳ Ёқубовнинг уйдан мактабга борар йўли аччиқ ичакдек тор, илонизи, тош-тупроқ йўл, бегона одамнинг йўли тушса, эртасигаёқ лабига учук тошади ўзиям (ҳозир ҳам "онанан туғилгандек" турибди ўша жинкуча!). Қилбелбоғ дейишади ўша жойларни. Солиҳ ака шу Қилбелбоғдан юриб, қатнаб улғайган. Еруғ оламга шу Қилбелбоғдан чиқиб келган.

Назаримизда, Солиҳ ака қилбелбоғдан жон асраб эсон-омон ўтишни шу тўшаларда ўрганган!..

Бўлмаса, Тошкенти азимнинг энг бозори қақшон газетасида 35 йил фаолият юритишнинг ўзи бўладими?! Шунча йил журналистнинг қаттиқ қаттиқ нонини ҳалоллаб ошаш ҳар кимга насиб этавермайди, аслида...

Бир пайтлар "Тошкент оқшом"ни бутун Республика ўқирди, унинг адади 200000 нусхага етган пайтлар бўлган!.. Солиҳ Ёқуб-

нинг қатор-қатор очерклари пешма-пеш босилган, унга минглаб хатлар ёғилган пайтлар бўлган. Одамлар хўп газетхўр бўлган пай-

ўз қараш бор. Давр ўзгаряпти, бош муҳаррир ўзгаряпти, газета ўзгаряпти.

— Бир жойда бу қадар узок ишлаш жонга тегмайди-ми? — деб сўрадик Солиҳ акадан.

— Мен "Оқшом"га шу қадар кўникиб кетганманки, уйдаими-ишдами, кўчадами — қаерда бўлмай "Оқшом" билан яшайман, у билан бирга нафас оламан. (Айтмоқчи, Солиҳ ака Рихсихон кеннойимиз билан тотув турмуш қурганларига ҳам роппа-роса 35 йил тўлди! Ақамизни асраб-авайлаб юрганингиз учун Сизга ташаккур, янгахон!)

"Оқшом"дан нафас олиб, унинг даргоҳида журналистика майдонида оёққа туриб учирма бўлган журналистлар оз эмас!

— Уларнинг барино мана шу қадрдон ва жонажон "майдонча"дан туриб кузатаман, назардан ўтказаман, ютуғидан қувонаман, бошқасидан...

Солиҳ ака оғир гап қилмайдиган одам. Солиҳ одамларнинг фарзанди-да! Сабрли, тоқатли одам-да! Ранжиса ҳам ичида қолади. Орқаваротдан эшитдик, тўртта мақола ёзиб ҳаволаниб кетган, эйтиборталаб бўлиб қолган қаламқаш оғайниларимизни "қалами толмасину, ўзи тилдан қоляпти-да" деб қўяр эканлар. Такаббур одам унча-бунча билан салом-алиқни ҳам ўзига раво

кўравермайди-да!..

"Оқшом"га "замред" бўлганлар ҳам жўн одамлар эмасди. Ҳайдарали Иброҳимов, Максим Каримов... Максим ака (раҳматли) бир сафар футболдан репортаж ёзиб келибдию, ўйин натижалари ўрнига уч нукта қўйиб, котибиятдаги сўрадик Солиҳ акадан: "Шу ерига натижани ёзиб қўясизлар" деганича қаёққадир ошиқиб жўнаб қолибди. Котибиятдагилар ўз юмуши билан банд, газетада эртасига репортаж уч нукталар билан босилибди!.. Ўйин натижалари йўқ!..

"Бу ҳам сабоқ", деб кулади Солиҳ ака. "Оқшом"да сабоқ, мактаб яратиб кетган муаллифлар анчагина. Шорасул Зуннуннинг таржималари, Зикрилла Эгамбердиевнинг тиниб-тинчимаслиги, Ҳамиша терлаб-пишиб турфа таом рецептларини кўтариб юрадиган Карим Маҳмудов, Искандар Раҳмон, Билол Аминов, Маҳмуд Ҳасаний... Бирга ишлашганларчи?!

Уларнинг бари бугун Солиҳ ака Ёқубовнинг кўз ўнгидан кино лентадек ўтади. Бу кино лента алоҳида улкан журналистика мактабига, керак бўлса, дорилфунунига айланади!..

Бу мактаб, бу дорилфунун соҳиби Солиҳ Ёқубов 60ни уриб қўйдилар! Утган йиллар мобайнида "Тошкент оқшом"нинг 9662 сони нашрдан чиқди! Газетанинг шунча сонига кўз нуруни тўтиё қилган, "Оқшом"нинг Солиҳ акасини эндигина 5 ёшдан ўтиб, бор-йўғи 258-сонни чиққан мустақил газетачилар номидан табриклаймиз, қутлаймиз!

Устоз ҳамкасбимизга мустаҳкам соғлиқ, ижодий зафарлар тилаймиз!

Қамолит эҳтиром ила
"ЎҚШОМ"чилар

ҚИЛБЕЛБОҒНИНГ ҲОСИЯТИ

"ОҚШОМ"нинг СОЛИҲ акасига табрик



лар-да!.. Саъдулла Кароматовнинг бағри кенглиги, Шароф Убайдуллаевнинг уддабуронлиги, Тўлқин Қозоқбоевнинг беғуборлиги, Эркин Эрназаровнинг ишчанлиги, мана, энди Акмал Ақромовнинг тиниб-тинчимаслиги... Ҳар бир бош муҳаррир ўзича бир олам. Ҳар бирининг ўз қаричи,



Ҳикмат

АЁЛ ВА МУҲАББАТ ҲАҚИДА

Абу Ҳурайра разияллоху анху ривоят қилади: Расулуллоҳ саллаллоху алайҳи ва саллам: "Эй муслима аёллар, қўшни аёл ўзига қўшни аёлга, гарчи қўй туғғини бўлса-да, ҳадя қилишдан орланмасин", деб марҳамат қилади.

Яъни, қўшни аёллар қўлларидан келганча бир-бирларига ҳадя қилиб турсинлар. "Бу оз-ку!" ёки "Арзимас-ку!" деб ўзларини ҳадя қилмоқдан тиймасинлар, деган мазмундадир.

Имом ал-БУХОРИЙ

Рашик ошиқлар учун изтиробдир, маъшуқ учун хўрликлар етиштириб берувчи қондир.

К.ГОЛЬДОНИ

Севинш — ўзганинг бахтидан қувона олин.

Г.ЛЕЙБНИЦ

*Бўлса иккимизни юзи акси суда пайдо,
Ул су не тараф борса, очилгай гули раъно.*

Алишер НАВОИЙ

Муҳаббат бирданига пайдо бўлади. Жозибали битта ҳаракатнинг ўзи қалбни забт этишга ва тақдиримизни ўзгартириб юборишга қодирдир.

Ж.ЛАБРЮЙЕР


Оилавий турмушда пайдо бўладиган гадур-будурларни фақат муҳаббатгина силлиқлай олади.

Т.ДРАЙЗЕР

Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ тайёрлади

Қино

Одатда янги фильмни томошабин қизиқиб кузатади, мунаққид эса уни таҳлил қилишга уринади. Шу тариқа экранга чиққан кино тасмасидан жамоатчиликнинг маълум бир қисми воқиф бўлади. Бироқ кинофильмларга асос бўлган сценарийлар, уларнинг муаллифлари



кўпинча "кадр ортида" қолишади. Аслида ҳар бир адабий сценарий китобхоннинг ҳам, томошабиннинг ҳам эйтиборини тортиши, уларда қизиқиш уйғотиши лозим. Негаки, сценарий икки талабга жавоб бериши: адабий асар сифатида мутолаа қилиниши, кино (ёки ТВ) асари сифатида режиссёр, оператор, актёр, рассом, бастакор, ҳатто монтажчи ва пардоз билан шуғулланадиган мутахассисга илҳом бағишлаши зарур. Шундай талабларга кўп жиҳатдан жавоб берадиган асар — кўп серияли видеофильм сценарийсини ўқиб, суратга олинажак фильмнинг ижрочиларини кичик экран-

ЭКРАН ЗИЙНАТИ

Сценарийнавис ва режиссёр

да кўриб, муаллиф ва режиссёр Бақо Содиков билан суҳбатлашишга жазм қилдим.

— "Фидойилар" сценарийси ва фильмни яратиш режасининг пайдо бўлишига нима туртки бўлди?

— Янги асаримизни буюк шахслар ҳақидаги киноҳикоя-воми деб Бу галдий, Ав-Фитрат,

Алломаларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида бадий, хужжатли, публицистик асар яратиш мумкин.

қ о р и тимизга, м и з г а м и л г а н шахслар-жўшқин ҳаёти, тақдирини кўрсатмоқчи бўлдик. Режа ҳам шу мақсаддан дунёга келди.

— Бу улуг сиймоларнинг қайси фазилатлари сизни мафтун этди?

— Уларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида бадий, хужжатли, публицистик асар яратиш мумкин. Зотан, уларнинг ҳар бири бир дунё! Уларнинг амалга оширган ишлари, айтган сўзлари-ю, тузган режаларини ўрганиб беихтиёр ҳайратга тушасан киши. Бу инсонлар юртимизда замонавий маърифат мас-

канларини ташкил этмоқчи, демократик тузум тузмоқчи, юртимизнинг жаҳон ҳамжамиятида юксак ўрин тутишини кўзлаб, улкан ишларни амалга оширмоқчи бўлганлар. Барчасини улкан ватанпарварлик ғояси бирлаштириб турган. Бу ғоя ўзга юртга ёки кимгадир қарши қаратилмаган. Халқимиз озодлигини, хурриятини кўзлаб иш юритган ана шу фидойилар миллиятининг асл фарзанди бўлишган.

— Бундай ғояни бадий ифодада бериш



учун фақат XX аср бошларидаги воқеалар тасвири билан чекланиб бўлмас... Тарихий хужжатлар, манбаларни ўрганишда уларнинг қан-

Мерос

ДАВР "ОЙИНА"СИ

"Академия" нашриёти миллий журналларимизнинг энг тўнгичи "Ойна"да чоп этилган мақолаларни рисола ҳолида нашр этди

"Ойна" журнали тахририяти нашрнинг олам юзини кўрганига бир йил тўлиши муносабати билан ёзилган мақолада журнални "дунё ва маишатимизнинг чиройлик ва чиркин манзараларини... адибо ва шуароларимизнинг асарларини кўрсатувчи бир ойна" эканини қайд этган эди. Дарҳақиқат, ушбу нашрда миллатимизнинг оғир дардлари, фидойи фарзандларнинг унга қандай дармон топиш хусусидаги фикр-уйларини ўз аксини топди. Журнал ана шу буюк дард билан оғриган инсонларни ўз атрофига бирлаштирди.

Тахририят туркистонликларнинг миллат сифатидаги юксалиш йўлини энг аввало маърифат ва зиёда кўрди. Чоп этган мақолаларида гоҳ эскича таълим услубининг қоқоқлиги, янги таълимнинг афзалликлари, мактабларда ислохот ўтказиш йўллари, ибратли тажрибалар ҳақида сўз боради.

Рости, жаҳолат ва диний ақидалар чуқур илдиз отган бир даврда ўзга тилларни ўрганиш ва диний илмлардан бошқа фанларни ўқитиш хусусидаги фикрларни омма орасига ёйиш анча мушкул эди. Бунинг учун асл исломий тушунчалар ва манбаларга таяниб, ўз фикрини асослаш талаб этиларди. "Ойна" муаллифлари Куръон ва ҳадисларга таяниб, "Илм муштаракдур. Билганикидур", деган гоёни илгари сурдиларди. «Жамияти хайриялар» барпо этиб, мактабларни ислох қилиш учун Оренбург, Қозон, Қрим, Кавказ ва Истанбулга, мадрасалар ислоҳи учун Макка, Мадина ва Мисрга ёшларни ўқишга юборишни ташвиқ қилди.

Тахририят юксак мақсадларга етишнинг энг мақбул шакли ибрат эканини назардан ҳеч қачон қочирмади. У жамиятимизда тўйлар, маъракалар қилиб, қарзга ботиб қолаётган кимсаларни танқид қилар экан, бунинг ўрнига фарзандлар камоли ҳақида ўйлаш, маблағни таълим ва тарбияга йўналтириш мақсадга мувофиқлиги, бу миллат раънақиға хизмат қилишини тушунтирди.

Туркистонликларнинг ҳақ-ҳуқуқини танитишга интилиш "Ойна"нинг яна бир йирик мавзу-йўналишидир. Тахририят миллатимиз вакиллари ҳуқуқат ишларига аралашилари, халқ манфаатини қонуний йўллар билан ҳимоя қилишини ёқлаб, мақолалар эълон қилди.

Тадбиркорларга ўз ҳуқуқини танитиш, тижорат ишларида банк кредитларидан оқилонга фойдаланиш мавзуси ҳам "Ойна" саҳифаларидан бир неча бор жой



олди. Абдулхамид Сулаймонийнинг "Андижонда янги банк", М.Беҳбудийнинг "Ох, банклар бизни барбод этди" мақоласи шулар жумласидандир. Уша кезлари банкларни мутлақо инкор қилувчилар кўп бўлса-да, айримлар банклардан қарзлар ола бошлаган, баъзилар бу пулларга ҳажга бориб, ноўрин сарфлаб, қарзга ботиб қолаётган ҳам эди. Юқоридаги мақолаларнинг бирида янги банк яратётган имкониятлар хусусида сўз борса, бошқасида банк кредитини ўйлаб, мақсадли сарфлаган кишигина ютади, деган фикр илгари сурилади.

"Ойна" ҳар бир мақола-сида миллат манфаатлари учун курашди. Айниқса миллатнинг ўзлигига бевосита дахлдор бўлган миллий байрамлар, тил софлиги масаласини ҳам эътиборда тутди. "Ойна" адабий тил халққа яқин бўлиши керак, деган фикрда собит турди.

Журнал жамият учун янги бўлган ҳодисаларнинг мазмун-моҳиятини аниқлашда ҳам бетақдор ўрин тутди. Жумладан, "Ойна" "Театр надур?" мақоласида "Театр — ибратнамодалур. Театрхоналар — масхарабозхона бўлмай, балки ибратхонадур. Ва онда мушаххас бўлатургонлар (уйинчи ва масхарабоз) бўлмай, балки мушаххас ва муаллими ахлоқийдурлар" деб ёзди...

"Ойна" ўзга нашрлардан ушбу тамойилларга содиқлик тилабгина қолмай, ўзи бу борада барчага ибрат бўлди. У янги нашр пайдо бўлишини миллатнинг ютуғи деб баҳолади. Уни миллат манфаатлари ҳимоясида туришга даъват этди. Журналнинг гоёвий раҳнамоси Маҳмудхўжа Беҳбудий ёлғиз кишининг қўлидан кўп иш келмаслигини доимо тақрорлар, ҳақиқат бахсларда тўғилишини таъкидларди.

"Ойна" ҳақидаги сўзимизга яқун ясар эканмиз, у орзу этган масалалар истиқлол йилларида амалга ошганига шукроналар айтаемиз. Бу ўринда ёшлар тарбияси, хорижга ўқишга юборишлар, ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, тарихга эътибор, тилимизга давлат тили мақоми берилгани, тадбиркорликни, миллий матбуотимизни, миллий театримизни ривожлантириш борасида қилинаётган ибратли ишлар ёдга келади.

Амиркул КАРИМ,
Ўзбекистон Миллий матбуот маркази раиси
Кўпайсин АЛИЕВА,
"Жамият ва бошқарув" журнали бўлим бошлиғи

Пул

Тунов куни ўзимча бир фалсафа ясадим: пулни кўрса, эчки ҳам тилга киради. Қалай? Тушунмадингиз-а, ҳозир айтаман. Бозорга бориб, эчки олмоқчи эдим. Яхши эчкини танлаб, пулини берай деб киссамга қўл солсам, ҳалиги эчки маъраб қолса бўладими. Пулни чиқаришим билан тамоғи очилиб кетди. Чунанам марадик, асти қўяверасиз. Кейин пулни киссамга солсам жим бўлиб қолди. Ия, антиқа эчки эканку,

зу, савдосини дурустроқ қилмайсиз-да, мен буни Америкага, Техас штатига оббораман. У ердагилар ейди-да турпингизни. Бир борганимда заказ олиб келганман. Обормасам бўмийди. Улар ваъдани бузгани ёмон кўришади. Шундай десам, у пинагини Бузмай, мени турпинни Марсда ҳам сотишган, оптим оладиган харидорларим бор, дейди. Нимада обормансиз у ерга деб сўрасам, КамАЗда дейди.

тушиб қопмиз. Атрофда текис йўлдан бошқа ҳеч вако йўқ. Бир маҳал катта тезликда кетаётган мошин қаттиқ тормоздан силкиниб кетди. Шопирни ҳам кўзи чақнаб, мундоғ қарасак, орқа филдираклар пучайиб қолган. Шопир куюниб қолди, запаскаси биттаю, қайси томонига қўйсин ахир.

Ҳали мошиндан тушиб улғирмасимиздан 300 метрча нарироғдаги тепаликдан 50 чоғли одам қий-чув

ПУЛНИ ЯХШИ КЎРАМАН!

Шунинг учун у ҳақда нима билишни истасанглар, марҳамат, менга мурожаат қилаверинглар, азизлар!

деб уйга етаклаб обкелдим. Зериккан вақтим, пул кўрсатсам, бирам мараб берадики, очиги Апандига ўшаб, хузур қиламан. Кизиғи, элликтиликни кўрсатсам, секин марайди. Юзталикни кўрсатсам овози баландлайди. Икки юзталикка кучлироқ бақиради. Мингталикни кўрсатиб, ўзимни ҳақиқий бойдек ҳис қилиб ўтираман. Пулни ширинлигини эчки ҳам биледи, нитолка одам. Шуниси менга тасалли беради. Ҳазил деймиз, пулни курса одамчи, гапириш тугул сайраб кетади. Ҳа, бу хайвон эканку, нимасига хайрон бўламан. Пулни курса, юғирмаган одам йўқ, ҳеч қуриса, кўзларини бир олайиб қараб қўяди.

Ҳа, айтганча турп ҳақида гапираётганмидик. Унда бугеғини эшитинг. Олтиариқда машхур турпфуруш бор, исми Жаҳонгир. Мен у билан ҳарбийда танишган эдим. Бирга ўтирсанг, юзта тухум едирадиган қизиқчилардан, қулдиргани-қулдирган-да. Узи ёш бўлса-да, деҳқончиликни таг-томири билан билади. Қисқаси, ўшандан ўн тонна турп сотиб олдим. Бор барака, ё тулки ё бўри бўлар-да. Шунча турпни нима қиласиз, сотиб улғурмайсиз-ку, ошна, деб сўради. Ҳэ, оғайни, маҳсулотни экаси-

Марсга-я?... Хуллас, бу кизиқчи дўстим билан Олтиариқ—Техас йўналиши бўлаб са-

солиб, чопиб чиқса бўладими. Қочдик, бизни тутиб олишади, деди шопир. Жон ҳолатда мошинга сакрадим. Шопир ҳам амаллаб чиқиб олди. Энди ҳайдаймиз десак, мошин ўт омайди-да. Вой ўлгур-эй, шу топга келганда қилиғи чиқмаса бўлардим...

Ҳайдаб қаерга ҳам борардик, филдираклар йўқ-ку. Ҳаш-паш дегунча ҳалиги одамлар атрофимизни ўраб олишди. Энди тамом, керак бўлса турпни ташлаб қочаман, пулиям бошидан қолсин. Ахмоқ бўмасам, Америкага ҳам турп обораманми?!

Ие, ана мошиндан тушсан, деб ўдағайлашапти. Энди нима қиламан? Улар орасида коттароғи бор экан, менга қараб бош ирғаб қолди.

—Тенгэнг барми?
—Бизда танга йўқ, сўми-миз бор-дедим, бер деса бас, тўкиб соладигандай.
—Жў-ўқ, тусунмадинг, доллар барми, "зелен"га тусунсанми? Абмен қилув керак. Не апкетарсин ўси, кўке, айтсангчи миндай?

Бахти ЁР

(Давоми бор)

ВА ҚИММАТИ

Бақо Содиков устахонасида

дай жиҳатларига аҳамият бердингиз?

— Сценарий қаҳрамонлари фаоллик кўрсатган йиллар — ўзига хос уйғониб даври бўлган. Бахтга қарши бу жараён фоҳиа билан яқун топган. Бироқ асарни яратиш жараёнида улғу алломаларимиз, улар қолдирган бебаҳо мерос бир зум бўлсин ёдимиздан кўтарилгани йўқ. Яратувчилик фаолияти билан ёниб яшаган аждодларимизнинг чинакам фидойиликлари бугунги авлодларга юксак ибрат на-



мунаси бўлиб қолиши асосий эътиборда турди.
— Ҳарқалай, бу кутлуг мавзу ҳамкасбларингиздан анча меҳнату маҳорат талаб этган бўлса

керак?

— Қаҳрамонларимиз маънавий жиҳатдан етук, аллома инсонлар бўлгани учун уларни экранда ҳаққоний тасвирлашда фикрдош актёр, бастакор, оператор ва ҳатто техник кадрларни излаб топиш, танлаш анча вақт талаб этди. Сценарийнинг дастлабки саҳифалари ёзилаётганидаёқ ижрочилар ҳақида ўйлаган эдик. Ҳозирча Фахриддин Шамсиддиновнинг роли-Абдуллаева (аёл), Файзиев хон (Тўра) кабилар-росидан миз... Ангашев ба- мусиқа биз танлаган ва тасмага туширган манзара, қиёфаларга мосдай туюлаёттир. Оғир шароитда миллатимиз равнақи ҳақида қайғурган инсонларнинг ҳаёти, фаолиятини тўлароқ кўрсатиш, тарих ҳақиқатиға риоя қилишга, ҳар бир кадр устида кунт билан ишлашга интилдик.

Сўхбат давомида телеэкранда "Фидойилар" фильмидан лавҳаларни кўрдик. Асар тез ора-

да сайқал топиб, жамоатчиликка тақдим этилади. Бугун эса биз кўрган кадрларда улғуворлик, кўтаринки руҳ устун, ижро, тасвир, мусиқа, ҳикоя мароми шундай талқин йўлига, эстетик шаклга, бадий услубга мос. Кўп қисмли бадий асар ижодкорларига омад тила-



дик. "Фидойилар" — ҳақиқий ўзбек сериалларига йўл очар, деб умид қилдик. Абдулла Қодирийнинг "Уткан кунлар", "Меҳробдан чаён" романлари, Ойбекнинг "Навой"си, Чўлпон асарлари 40-50 қисмли видеофильмларга асос бўла олиши ҳақида ўйлади. "Фидойилар" фильми бу йўлдаги самарали изланиш натижаси сифатида жамоатчиликнинг диққат-эътиборини тортса ажаб эмас.

Ҳамидулла АКБАРОВ

Шарҳ

Айтиш керакки, XXI аснинг илк йили якунлари жаҳон иқтисодийётида салбий кўрсаткичлар кенгроқ ўрин олганлигини кўрсатди. Аксарият давлатлар, жумладан, Япония иқтисодийётида ҳам инқироз ҳолатлари кузатилган. Тугалланган молия йили минглаб япон корхоналари фаолиятига нуқта қўйди.

ИНҚИРОЗ

Японияда 2001 йил иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши кейинги 10 йил ичида энг юқори кўрсаткичга кўтарилди. Teikoku Databank иқтисодий илмий-текшириш компанияси тарқатган маълумотларга қараганда, биргина ўтган йилнинг иккинчи чорағида 19441 та корхона банкрот деб эълон қилинган. Бу ундан олдинги йилнинг шу пайтига нисбатан 2 фоизга кўп. Айнан шу кўрсаткич, инқирозга учраган корхоналарнинг дебиторлик қарзи 32.4 фоизга камайганлигини ҳам англади. Энг ачинарлиси, янги йилнинг биринчи ойидаёқ банкротлик рўйхатидан Япониянинг бир қанча машҳур компаниялари номи ҳам жой олди. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, Япония тарихида 1984 йилдан бери ҳали бунчалик кўп корхона инқирозга юз тутмаган экан.

Умуман, мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатининг пасайиши ўтган йилнинг иккинчи ярмидан кузатила бошланди. Рақамларга эътибор берайлик. 2001 йил июлдан сентябргача иқтисодий ўсиш суръати 0.5 фоизга тушган бўлса, апрель-июнь ойларида эса бу кўрсаткич аввалги ойларга нисбатан 1.2 фоизга пасайган.

«УЧ АЖДАХО»

АҚШ, Япония, Германия «Катта саккизлик» мамлакатларнинг энг йириги. Ривожланганлик даражаси билан ҳам шу уч давлат узок йиллардан буён ҳукмронлик қилиб келмоқда. Аммо, 2001 йилнинг иккинчи ярмида айнан шу уч давлатда ҳам иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши кузатилди.

АҚШ иқтисодийётидаги бундай пасайиш натижасида кўплаб йирик компаниялар салоҳиятини сақлаб қолиши учун миллиардлаб пул сарфлашмоқда. 2001 йилнинг охириги ойларидаёқ Ford компанияси 5 миллион доллар сармоясидан ажралди. Intel компаниясининг даромади 77 фоизгача тушиб

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ИШСИЗ

Иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши, кучли рақобат, дефляция оқибатида корхоналарнинг ўз харажатларини камайтириши ёки умуман ёпилиши буларнинг барчаси Японияда кейинги 50 йил мобайнида ишсизлик даражасининг энг юқори нуқтасига кўтариллишига олиб



Японияликлар Бош вазир Коидзумидан умидлари катта.

юқори малакали ишчи кучига эга, хориж сармоясига муҳтож бўлмаган бундай давлатда қандай чора кўриш мумкин?

Мутахассисларнинг фикрича, Япония олдида икки йўл бор. Биринчиси: ишлаб чиқаришнинг бар-

қарор мувозанатини сақлаш, иқтисодий ўсиш суръатларига эришилмаса-да ҳозирги ҳолатини иложи борида давомлироқ ушлаб туриш. Иккинчи йўли шундан иборатки, ортиқча ишчи кучини хорижга экспорт қилишдир. Бу йилнинг самарали томони шундаки, ҳар қандай давлатда ҳам японлардек тажрибали ҳамда интизомли мутахассисларга талаб катта.

Япония иқтисодийёти кенг қамровли ислохотлар ўтказилишига муҳтож. Зеро, Ер қуррасидаги барча мамлакатлар бир-бирига ипсиз боғланган. Ривожланган мамлакатлардаги иқтисодий «шабада» ривожланаётган ёки тараққийётган қадам қўйган давлатлар учун «тўфон» бўлиб етиб келиши мумкин...

Яқинда АҚШнинг Worldwath instituty ташкилоти «Дунёнинг ҳолати ҳақида»ги умумий йиллик



харақатлари натижасида 2002 йилни бюджет тақчиллиги билан қарши олиши аниқ бўлиб қолди.

Усиш суръатларининг пасайиши Германия иқтисодийётига ҳам соя солмоқда. Қимматбаҳо қоғозлар бозорида охириги уч ой ичида акциялар нархининг беқарорлиги кузатилмоқда. Иқтисодий ўсиш суръати 2001 йилнинг биринчи ярим чорағида атиги 0.6 фоизга ошгани кузатилган бўлса, йил охирига бориб эса бу кўрсаткич салбий тарафга ўзгарди. Мамлакатдаги ишсизлар сони Европа Иттифоқи бўйича энг юқори даражага чиққан. Утган йилда салкам 4 миллион киши (3 миллион 943 минг) ишсизлар рўйхатига олинган. Бу жами мавжуд ишчи кучининг 9.6 фоизи демакдир.

Бу уч давлат қадимдан жаҳон бозорини эгаллашга, бир-бирдан «ўзиш»га ҳаракат қилиб келади. Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан АҚШ иқтисодийёти талофатсиз чиқди. Барқарор ривожланиш давом этди. Германия ва Япония ҳўжалиги эса бу пайтда огир иқтисодий қийинчиликларни бошидан ўтказди. Айнан, иккинчи жаҳон урушидан кейинги салкам 20 йил мобайнида АҚШ барча соҳада бу икки давлатни орқада қолдириб келди. 60-йилларга келиб эса жаҳон майдонида кучлар нисбати анча ўзгарди.

келди. Охириги олти ойни таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу кўрсаткич кетма-кет ошиб борганлигининг гувоҳи бўламиз. Йил якунида мамлакатдаги жами иш кучига нисбатан ишсизлар сони 5.4 фоизни ташкил этган.

Япониядек мамлакатда ишсизлик муаммосини ҳал қилиш ривожланаётган ёки



Мамлакатда ишсизлар сони 5.4 фоизни ташкил этади.

қолоқ давлатларга нисбатан анча мураккаб. Ривожланаётган ёки қолоқ мамлакатларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, хориж сармоясини жалб қилиш, янги иш жойларини ташкил қилиш ҳамда ишсизлар малакасини ошириш йўли билан бундай муаммони ечиш мумкин. Аммо жаҳон мамлакатлари меҳнат бозори салоҳиятига нисбатан анча

ҳисоботини эълон қилди. Ҳисоботда шундай дейилди: «Дунёмиз ўзига хос томошахонага айланиб қолди, бир томонда ярим миллиард одам компьютерсиз ҳаётини тасаввур қилолмайди. Бошқа ёқда бир миллиард одам тоза ичимлик суви тополмай ҳалак».

Бахтиёр ҲАМИДОВ



Дараклар

РАМСФЕЛДНИНГ КУБАГА ТАШРИФИ

АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелднинг таъкидлашича, ҳибсга олиниб, Кубанинг Гуантанамо базасида сақланаётган «Ал-қоида» ёки Толибон вакилларига нисбатан уруш маҳбуслари деган тамага босилмайди. Рамсфелд ва АҚШ сенаторларининг Кубага ташрифи давомида вазир терроризмга қарши кураш янгича фикрлаш ва тушунчаларни талаб этишини айтди. Ташрифдан мақсад маҳбусларнинг аҳволини ўрганиш эмас, балки уларни қўриқлаётган соқчиларга миннатдорчилик билдириш экани қайд этилди.

ПОРТЛАШ САБАБЛАРИ АНИҚЛАНМОҚДА

Нигериянинг Лагос шаҳрида рўй берган кучли портлашлар натижасида 100дан ортиқ киши ҳалок бўлган. Ҳарбий қурол-яроғ тўпланган омбордаги портлашлардан қочишга уринган 100 киши яқин орадаги каналга чўкиб кетган.

Сувга фарқ бўлган аёллар ва болаларни қидириш давом этмоқда. Мамлакат президенти Олусегун Обасаньо қидирув олиб бориш ва портлаш сабабларини аниқлаш ҳақида кўрсатма берган.

НАВБАТДАГИ ТЎҚНАШУВ

Калькутта шаҳридаги АҚШ маданият марказида қуролланган шахслар ва Ҳиндистон полицияси ўртасида рўй берган отишмалар натижасида қуролланган 2 нафар покистонлик ҳамда 4 нафар полиция ходими ҳалок бўлган.

ВАЗИРЛАР КЕЛИШМОВЧИЛИГИ

Европа ташқи ишлар вазирлари йиғилишидан олдин Италия бош вазири Сильвио Берлускони ва европалик вазирлар ўртасида зиддият келиб чиқди. Берлускони Европа Иттифоқи конвенциясида битта аъзолик курсини Жианфранко Финига бериш тарафдори. Қолган вазирлар эса собиқ фашист раҳбар Финига қарши чиқиб, конвенцияда италиялик вакил мавжуд эканлигини таъкидлашмоқда.

Би-би-си хабарлари асосида Дилнора АЗИМОВА тайёрлади

Суҳбат

Журналистлар орасида чекмайдигани кам топилади. Аксарият ҳамкасбларимиз чекишга «илҳом париси» сифатида қарайди.

Коридорда, кўча-кўйда сигарет бурқсатаётган ҳамкасбларимизга куйидаги саволлар билан мурожаат қилдик:

1. Чекишни қачондан бошлагансиз?
2. Нима сабаб бўлган?
3. Кунига неча дона сигарет чекасиз?
4. Қайси туридан кўпроқ чекасиз?
5. Бировнинг ҳисобидан ҳам чекиб турасизми?
6. Сизнингча, унинг фойдаси нимада?
7. Чекишни ташлаш ҳақида ҳам ўйлаб кўрган бўлсангиз керак?

Ғофур ШЕРМУҲАММАД («Қишлоқ ҳаёти»):

1. Ўн икки йил бурун бошлаганман.
2. Шунчаки олифталик учун бошлаб, ўрганиб қолганман.
3. Ўртача 10-15 дона.
4. «Хоп lights» ва «PINE» сигаретларидан.
5. Баъзан.
6. Асабини тинчлантиради.
7. Ҳа, лекин бу иш ҳозирча қўлимдан келмаяпти.

«ЧЕККАНГА НИМА ЕТСИН!» деганлар гафлатда қолибди

Абдулла ПЎЛАТОВ («Ўзбекистон овози»):

1. Чекишимнинг тарихи жуда қизиқ. 1943 йилда турмуш қийинчиликлари айна авжига чиққан паллада кўшим, мендан уч-тўрт ёш катта ўртоғим Обид дегани ҳар кун битта газета сотиб оларди-да, уни юз бўлакка бўлиб, ҳар бирининг ичига тамаки «хашаги» (мохорка)дан жойлаб, барини туфлининг картон қутисига солиб кўчага чиқариб бекатда ўтириб сотарди. Мен унинг ортидан чопиб юрардим, шу-шу чекишга қизиқиб қолганман.
2. Кейинчалик акамнинг папиросини керосин лампадан ўт олдириб келиб берадиган бўлдим. Гоҳо акамга кўчадан «Беломор» ташишга тўғри келган. Унинг қутисини сал пачоқ қилардим-да, ҳар қутисидан биттадан яширинча олиб қолиб чекардим. Шу-шу 1947 йилдан буён мунтазам чекаман.
3. Ҳар кун бир қути сигарет чекаман.
4. «Норд», «Казбек»дан тортиб «Райнгола»гача қирқ хилдан зиёд сигарет чекдим. Уларнинг орасида Ургут сигарети ҳам бор эди. Баъзан сигарет тополмай қолсам, масалан, ярим тунда тополмай қолсам, райхоннинг баргини қоғозга ўраб ҳам чекавераман.
5. Бўлмаган вақтларда, мажбур бўлиб қолсам, сўраб ҳам чекаман.
6. Қадимда табиблар вабодан қирилиб кета-


ётган одамларни сақлаб қолиш учун атрофда тамаки тутатган эканлар. Баъзилар тамакини Колумб билан боғлашди, бўлмаган гап. Тамакининг тарихи ўн минглаб йилларга бориб тақалади. У то бугунги қоғозли кўринишига келгунича неча усулда чекилган. Масалан, авлодларимиз чилим чекканини эсланг.

Сигаретнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ. Бироқ у асабини тинчлантиради, танадаги микробларни ўлдирди, деб ўйлайман. Фақат қувватли овқатдан кейин чекиш керак, деб ўйлайман. Мен 66 ёшга кирдим. Шу пайтгача уч марта жарроҳ тиги билан юзма-юз келганман, бироқ тушунишимча чекиш мени юқумли касалликларга дучор қилмади.

Ҳатто Англия собиқ бош вазири Черчилл ҳам 90 ёшдан ошгунча чекканидан хабарим бор.

7. Икки-уч ойлаб чекмадим. Шу пайтда чекканимда кўзимга балодек кўринадиган кўчамиздаги тўққиз қаватли уй шундаям чиройли кўриниб кетганки, қўяверасиз. Ҳамма нарса гўзал бўлиб кўринаверарди, ҳатто, кир босиб кетган кулдонни кўрганимда ҳам у кўзимга буюк санъат асари бўлиб кўринарди.

Узим ўқиган чекишнинг зарари хусусида ўтган давр мобайнида чиққан мақолаларни жамлаш имконим бўлганида ҳам 500 бетли китоб бўларди.



Нуриддин ИСМОИЛОВ, журналист:

1. Чекишни бошлаганимга ўн беш йил бўлди. 18 ёшимдан чека бошлаганман. Менга «ик-каласи» ҳам кетаверади. Демок-чиманки, нос дегани ҳам ёмонмас. Модомики, сигарет чекишимни кўпроқ гапирсам, носнинг шаънини топтаган бўламан.
2. Шунчаки ҳавас сабаб бўлган.
3. Ҳозирча ўн дона.
4. «PINE»дан.
5. Йўқ.
6. Фойдаси йўқ.
7. Минг марта ўйлаб кўрганман, барибир ташламаганман.

Сиз ҳам чекадиганингизни ёзиб юбораверинг, азиз муштарий! Призга сигара бор! Ҳаваскор ТАБИБ тайёрлади

Мушоҳада

Кўрқув деганлари аслида йўқ нарса. Яъни хулосалар асосида нимагадир таянган бўлишига қарамай, айни дамда, шу жараён кечаётган маҳалда унинг ўзи, янаям тўғрироғи у назарда тутаётган ҳолат умуман иштирок этмайди. Қайсидир маънода кўрқув орзунинг салбий кўриниши, дейиш мумкин. Бунда қандайдир, инсон ўзи ҳам тўлиқ англаб етмаган, тушунолмаган ёмон нарсалар кутилади.

Достоевский “Дунёни гўзаллик кутқаради”, деганда нимани назарда тутганини аниқ билмайман-ку, бироқ дунёни кўрқув ушлаб турганлиги аниқ. Бу борада ҳатто баҳслашиш ҳам ортиқча — барчаси қафтда тургандек аён. Ҳаётни, тиррикликни хоҳлаган йўсинда ўйлаб, таҳлил қилиб кўринг, барибир ушбу ҳолатдан узоқлашиб, чиқиб кетолмайси. Бироқ негадир инсоният ушбу сўзнинг ўзидан-да моховдан чўчигандай ҳайкади. Бирор кишига нимадандир кўркиш ҳақида гап бошласангиз, албатта у олдин бир сесканиб олганидан сўнг, кейин албатта худодан бошқа ҳеч кимдан кўркмаслигини таъкидлаб ўтади. Аммо худодан бўлса-да кўркишини тан олади. Ҳаммаси айнан шу гапнинг замирида яширинган. Аслида одам худодан кўра ўзининг жинсдошидан кўпроқ чўчиди, ҳайкади. У учун худонинг эмас, халқнинг, жамоатнинг нафрати аҳамиятлироқ, шундан кўпроқ даҳшатга тушади.

Ер юзиданги барча динларнинг бош воситаси бу — кўрқув. Улар шу орқали одамларни, жамиятини ушлаб туради. Айнан шунинг учун ҳам файласуфлардан бири “атеизм юпқа муз қатлами, ундан бири киши бемалол ўтиб кетиши мумкин, халқ эса фарқ бўлади” деганди.

Худо йўқ жойда кўрқув йўқолади, одамлар ягона кўркуви — худодан кўркишининг тан оладилар, улар бунинг уят санамайдилар. Шундан бошқа барчаси улар учун ожизликнинг бир кўриниши сифатида ифодаланади. Ушбу хусусиятнинг йўқлиги сабабли ҳам динсизлар жамияти энг даҳшатли жамиятга айланади, унда муқаддас туйғулар йўқолади, инсонларни ушлаб, тартибга солиб турган кўра кўринмас нарсалар, ҳолатлар йўқолади, механизми ҳаракатини тўхтатади.

Динларнинг кўрқувга асосланганининг бош сабаби, назаримда уларда ўлим кўркувининг бартараф этишга уриниш бўлса керак. Ахир кўркувларнинг энг асосийси бу — ўлим олдидаги кўрқув. Аммо у оламни, инсонларни ушлаб туриш қувватига эга эмас, балки аксинча, унга эрк берилса, кишилик жамияти ағдар-тўнтар бўлиб, ахлоқ меъёрлари топталиши мумкин. Шу сабабли ҳам динлар уни бартараф этишга ҳаракат қилади. Бунинг натижасида кўркувсиз жамиятлар юзага келиши керакми? Давлатнинг кўркувини ушлаб туришга мўлжалланган ҳар қандай механизми ўлим олдидаги хавотирдай таъсир қилолмайди. Шунинг учун бўлса керак, динлар кўркувнинг кўллаб бошқа турларини баён этади, юзага чиқаради.

Агар эътибор берилган бўлса, аксарият ҳолларда кўрқув қоронғуликнинг синоними сифатида келади.

Шу билан бир қаторда қоронғулик ёвузликнинг ҳам тимсоли сифатида олинади. Аслида қоронғулик ўз ҳолига ҳеч нарсани ифодаламайди. Фақат инсон номаълумликдан кўрқади, холос. Уни ўзи англаб ололмайдиган, тушунайидиган нарсаларнинг барчаси чўчитади. Файласуфнинг “билмаган нарсангни ҳар доим кўпиртириб юборасан” деган гапи шу сабабли айрилган бўлса керак. Одамни қоронғуликнинг ўзи эмас, унинг қўйнида бўлиш аҳтимоли мавжуд нарсалар чўчитади. Зулмат ва ёруғлик тўғрисида гапирарётганда зулматнинг табиий ҳолатлигини, у ёруғликка нисбатан улкан имкониятга эга эканлигини унутмаслик лозим. Ёруғлик кенча-микёсда олинганда ҳам

уларга бир қанча нарсаларни қилмасликни тушунтирамиз. Фикримиз уларга тезроқ етиб бориши учун бўлар-бўлмас нарсаларни айтиб, кўрқитишга ҳаракат қиламиз. Инсон болаларини тарбиялашда кўпроқ кўрқувга таянади. Буни асосий восита ҳам дейиш мумкин. Бирор таққиланган нарсани содир этган фарзандларини уриб жазолайдиганлар ҳам кўп (жазолар ҳам аслида кўркувни ушлаб туриш учун жорий этилади), бу орқали уларнинг кўнглида кўркувни уйғотмоқчи бўладилар.

Кўрқув билан кўрқоқликнинг орасида фарқ бўлиши лозим. Кўрқоқлик асло кўркувни ҳис қилган одам эмас, улар-

Исмоил ШОМУРОДОВ

лақ яхши ҳамда мутлақ ёмон томонлар бўлиши мумкин эмас. Агар эътибор берган бўлсангиз, табиатда қирлиб кетиш энг кучлилардан бошланади. Кўёнлар кўпаяверади, бургутлар эса йўқолиб бормоқда, охулар ҳар доимгидек яшайверадилар, шерлар, қоллонлар, йўлбарслар йўқолиб бораётган тур сифатида ҳимояга олинган. Зеро, кейингилар биринчиларнинг устидан ҳар доим галаба қилиб келганлар, уларда кўркув ҳам йўқ.

Агар инсон кўркмаганида эди аллақачон қирлиб битган бўларди. Ер юзидан чўчимайдиган жонзотларнинг барчаси йилларнинг, асрларнинг, яъни ҳаётнинг кескин синовларига дош беролмай аллақачонлар қирлиб кетганлар. Бу туйғу ўз-ўзини сақлаш туйғусининг асосини ташкил этади.

Кўпича қадимий Спарта-нинг кўркмас, мард ва жасур ўғлонлари ҳақида берилиб гапирдилар, уларнинг мардликларини мисол қилиб келтирадилар. Лекин ҳар доим ҳам бу кўркмасликнинг замирида нималар ётганини айтавермаймиз, англаб ололмаймиз. Уларда тарбия ўзига хос бир тарзда йўлга қўйилган. Болаларни кўркмас қилиб тарбиялаш учун ота-оналаридан ҳали гўдаклигидаёқ олиб қўйишарди. Чунки ота-оналар болаларини мард бўлиб, жангда ўлиб кетишини эмас, яшашини, бахтли ҳаёт кечиршини истайдилар ва шу сабабли ҳам уларнинг онгига кўркувни солишга ҳаракат қилдилар.

Антик давр файласуфи Зенон асос солган стоиклар оқими кўрқувга ёмонликни қўйиб, деб баҳолагандилар. Уларнинг фикрича ушбу тушунча ўз ичига даҳшат, журъатсизлик, уят, ҳайрат, ваҳима ва азоб-уқубатни мужассам қилади. Даҳшат — кишини тахтадай қотириб қўядиган кўрқув. Уят — номуссизлик олдидаги кўрқув, журъатсизлик — ҳаракат содир этиш кўркуви, ҳайрат — ғайриоддий тасаввур олдидаги кўрқув, ваҳима — тилни қалимага келтирмай қўядиган кўрқув, азоб-уқубат — номаълумлик олдидаги кўрқув.

Албатта, кўрқув мутлақ ижобий ҳолат, деб баҳолаб бўлмайди. У бор жойда айёрлик, сотқинлик ва шу каби юзлаб салбий кўринишлар бўй кўрсатади. Аммо одам онгли ва бунинг устига жисмоний жиҳатдан кўллаб жонзотларга нисбатан кучсизлиги, ожизлиги сабабли ҳам ушбу хислатларсиз яшай олмайди.

Инсон ўзига хос бўлган ошириб юборувчанлик ва берилиб кетувчанлик хусусияти билан кўркувнинг асл моҳиятини ҳам чуқурлаштириб юборганки, охири-оқибатда унинг дастлабки мазмуни бузилиб, ўзгача ҳолат касб эта бошлаган. Файласуфлардан бири “асосийси — кўркув олдидаги кўркувдир” деганида инсониятнинг бу борадаги қарашини, фикрини ёрқин ифодалаган эди. Яъни, энди инсонни кўркувнинг ўзи эмас, унинг олдидаги кўркув чўчита бошлади. Бу эса, албатта ижобий ҳолат эмас.

Яна бир гап, муаллиф кўркувни, кўрқоқликни тарғиб этаётгани йўқ, бу туйғуларга объектив тарзда қараб кўрмоқчи ва медалнинг орқа томони ҳам мавжуд, демоқчи, холос.

Ҳажв

«ПОЙГА»

Диққат! Ана, адир, сайҳонда, Кетаётир мақтов пойгаси. Мадрдоҳ бўлсанг, қолма армонда, Голиб чиқсанг, кўпдир фойдаси.

Эй, қаламқаш, чархла қаламни, Қор ёнади қаловин топсанг. Омад келур, ташла аламни, Нағмага мос ноғора қоқсанг.

Кимда доллар милёнга етса, Ўша олғир пулдорни мақта. Гар “ким ошди” савдоси кетса, Ўза олган “тулпор”ни мақта.

Дўконлар бор, ичи хувиллар, Мақта сирти ялтироқ бўлса. Зап кўпиртир суртиб совунлар, Қирмизига бўя оқ бўлса.

Керак бўлса ёғлиқ жой, мансаб, Ука, ҳоким акани мақта. Қошиқ куруқ бўлса, очма лаб, Сут бергувчи такани мақта.

Ҳа, мақтаб қол иссиқни ёзда, Қишда эса совуқни мақта. Тож бор, лекин наф оз хўрозда, Тухум қўйган товуқни мақта.

Дерсан: “Кўнгил олишми айб? Ахир мақтов кимга ёқмайди? Танқид қилсанг, душман кўпайиб, Тош отади, милтиқ ўқлайди”.

Бу не ҳадик? Иллатлар озми? Токай кўзлар юмуқ, қулоқ кар? Гарчи қийин аччиқ сўз ҳазми, Ҳақгўйларни кутмоқда минбар.

Фозил ЗОҲИД

КЎРҚУВ

Тирик жонга ҳамиша йўлдош туйғу хусусида

сунъий ва вақтинчалик ҳолат. Шундан келиб чиққан ҳолда, қоронғулик ва кўркувнинг уйғунлигида нимадир борга ўхшайди.

Мультфильмдаги “кўркса хурмат қилади” деган гап бизга қулғули туюлади. Бироқ бу ҳақиқат. Кўркувсиз соф хурмат йўқ. У ҳар қандай хурматнинг замирида ётади. Дейлик, барча инсонлар пулни ёқтиради, уни ёмон кўрадиганлар бўлмайди. У ҳузур-ҳаловат манбаи бўлганлиги туйғули ҳам шундай, деб ўйлагувчилар адашадилар. Ахир ниҳоят фақат ҳаловат бўлганда эди, одамлар пулни деб ўзларини бунчалар ўтга-чўққа урмас ва ўз ҳаловатларини йўқотмасдилар. Инсон пулни сарфлашда жуда қиснади, ортиқча сарф қилиб юборса, ҳаловатини йўқотади, ўйланади, нима қиларини билмай қолади. Пулга нисбатан хурмат бу — йўқчилик олдидаги кўркувнинг маҳсули. Эртага бир нарса бўлиб қолса, пул керак бўлади, деб ўйламайди-ган, шундан чўчимайдиган инсоннинг ўзи бўлмас керак.

Ота-оналарни хурмат қилиш замирида ҳам шу нарса ётишини таъкидлаш лозим. Албатта, бунда икки кўриниш мавжуд — хурмат қилинаётган субъектдан кўркиш ёки кўркувдан ундан паноҳ излаш. Биз ота-оналаримизни нега хурмат қиламиз? Биринчидан, уларнинг нафратидан кўркмасиз, иккинчидан эса ҳеч ким бизни кўркувдан уларчалик ҳимоя қилмаслигини жуда яхши биламиз. Уларнинг меҳрибонликлари аслида кўнглимиздаги ушбу туйғунинг бартараф этишга қаратилган бўлади. Ўз навбатида бу туйғунинг юзага келиши замирида ҳам биз айтаётган хусусият ётади. Шунинг учун ҳам жасур, кўркув билмас инсонлар бемехр бўладилар.

Канчалар эриш туюлмасин, тарбияда ҳам кўркувнинг ўрни бе-қийёс. Эҳтимол биз бунинг олгимиз келмас, эҳтимол бунинг моҳиятини чуқур англаб етолмасмиз, лекин кўпича биз фарзандларимизни кўрқоқ қилиб тарбиялашга ҳаракат қиламиз. Чунки тушуниб-тушунмаган ҳолда кўркув ҳаётни сақлаб қолувчи асосий восита эканлигини англаб тур-сак керак-да. Болаларни тарбиялар эканмиз, уларни кўпича ўзимиз ҳам борлигига шубҳаланувчи ачина-лар билан чўчитамиз, кўчага ўйнагани юбора туриб,

нинг орасида бир қадар фарқ мавжуд. Зеро, бу туйғун билмайдиган инсоннинг ўзини топиш мушкул. Унинг нималигини англамайдиган жонзотлар ва одамларнинг ҳам шундай турлари (агар шунақаси мавжуд бўлса), ўйлашимча, аллақачонлар ер юзидан қирлиб битганлар. Бугунги кунда ҳам йўқолиб бораётган мавжудотларнинг кўпчилиги шу туйғунини тўлиқ ҳис қилмайдиган жонзотлардир. Кўрқоқлик кўпчилик ўйлаганичалик кўркувни ҳис қиладиган инсон эмас, балки бунинг тескараси, у — кўркувнинг бир қисмини йўқотиш ёки тан олмай қўйиш. Кўрқоқ — ўз шахсий хавфсизлигини омма олдидаги кўркувдан устун қўядиган, омма олдидаги хавотирни йўқотган инсон. Айнан шу сабабли ҳам жамоа уларни ёқтирмайди, масха-ра қилади. Бу туйғунинг даҳшатли вазиятларда ўта юқумли бўлишини ҳам айнан шу билан изоҳлаш мумкин. Бир кишининг ўз кўрқоқлигини намоён қилиши қолганларда ҳам шу кўркувнинг йўқолишига олиб келади. Чунки кўркув йўқлик олдидаги хавотир бўлса, бир киши содир этганидан сўнг унинг номаълумлиги йўқолади ва ўз-ўзидан барҳам топади.

Болалигимда уруш иштирокчиларининг суҳбатига жуда қизиқардим ва уларни гапга солишни хуш кўрардим. Кексаларнинг бу борадаги суҳбатларидан чиқарган ягона хулосам шу бўлганки, урушаман деб, кўркмасдан жангга кирганларнинг бирортаси ундан тирик чиқмаган. Улар ушбу ҳолатни очик тан олардилар.

Инсон ўзини бутунлай фидо қилиши лозим бўлган ҳолатларда, албатта, жамоат олдидаги кўркувнинг йўқлиги ҳалақат беради. Жанг майдонларида ўлимга тик борганлар қадрландилар ва уларнинг кўплари қахрамонларча ҳалок бўладилар. Шундай жангчилари кўп армия шубҳасиз галаба қилади. Лекин ҳаёт давом этади-ку. Жанг майдони ҳали ҳаёт дегани эмас ва ҳаёт фақат жанглардангина иборат бўлиб қолмайди. Шоиримизнинг “ғалабани ўликлар эмас, тириклар келтиради ватанга” деган мисра-маси шу ўринда асқотади ва бу гапнинг мазмуни биз ўйлагандан ҳам кенгроқ бўлса керак. Охир-оқибатда ҳар қандай галаба, мағлубиятнинг дебочаси, муқаддимаси ҳисобланади. Чунки ҳаётда барча ҳолатлар ҳисобга олинган ва мут-

Ўзбекистон ОАВни демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда «Хуррият» газетаси таҳририяти жамоаси «Маънавият» нашриёти бош муҳаррири, дилбар шоир, ажойиб инсон Аъзам ЎКТАМнинг вафотидан чуқур изтиробда. Мархумнинг ёр-биродарларига, оиласига Аллоҳдан сабр-бардош тилаймиз.

Mustaqil gazeta
«HURRIYAT»
Har chorshanba kuni chop etiladi

Мувассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократиялаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Бош муҳаррир: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД

Таҳрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Наим КАРИМОВ, Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Раҳмон ҚҮЧҚОР, Норали ОЧИЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Амирқул КАРИМОВ, Абдуқаюм ЙҮЛДОШЕВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-3.

Таҳририят манзили: Ташкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Якка обуначилар учун — 233 Ташкилотлар учун — 234

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 19.00
Буюртма — Г-3142

Муаллиф фикри таҳририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин. Таҳририятга юборилган мақтуб ва мақола-ларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hurriyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

